
ИБРАТЛИ ТАНЛОВ

2022-йил 8-сентябрь куни Фарғона шахрида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоят бошқармаси ва туман (шахар) бўлимлари ташаббуси билан Республика миқёсида биринчи марта фаол нуронийлар ўртасида ўтказилаётган 3 босқичли “бир нуронийга ўн нафар ёш” кўрик танловларининг туман, шахар босқичлари ғолиблари иштирокидаги танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловларни ўтказишдан мақсад маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022-йил 19-январдаги “маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-92-сон ҳамда 2022-йил 15-мартдаги “нуронийларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ҳаёт даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-167-сон қарорлари ижросини таъминлаш, ижтимоий маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат ва раҳмдиллик руҳида тарбиялаш, маънавий кўмакка мухтож, тарбияси оғир, банд бўлмаган, ишсиз ва муаммоли ёшлар билан тизимли ишлаш, уларга бириктирилган нуронийларни ва ёшларни жамият ҳаётига фаол жалб қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ибратли фаолиятдан ва тажрибасидан самарали фойдаланиш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва ижтимоий иллатларни олдини олиш, ажрим ёқасида турган ёш оилаларни сақлаб қолиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш, тарғиб қилиш, ушбу фаолият соҳасида намунали бўлган нуронийларни рағбатлантириш уларнинг ижобий ташаббусларини оммалаштириш каби эзгу ниятлар ва устувор вазифлар қамраб олинган.

Тегишли низом, тартиб ва шартлар асосида ва малакали ҳайъат аъзолари эътиборида ва томошабинлар кузатувида қизиқарли ва таассуротли бўлиб ўтган “бир нуроний ўн ёшга масъул” кўрик танлови вилоят босқичида фахрли 1-ўринни Бувайда туманида фаол нуроний Отабоев Собиржон ота, 2-ўринни Фарғона шахридан фаол нуроний Мирзаев Раҳмонали ота ва 3-ўринни Олтиариқ туманида фаол нуроний Розиков Машрабжон ота олдилар.

Фахрли ўринларни олганлар ҳамда туман ва шахар босқичларида 2-3-ўринни олган танлов иштирокчилари тадбир ташкилотчилари томонидан дипломлар, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан муносиб тақдирландилар.

2022-09-12 11:53:46